



ЖУМА МАВЪИЗАСИ  
“31” март, 2017 йил

Усмонхон АЛИМОВ  
“03” РАЖАБ, 1438 х.й.

## ДЕҲҚОНЧИЛИК – РИЗҚ-РЎЗИМИЗ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

**Қадрли намозхонлар!** Аллоҳ таоло ер юзини инсон учун обод қилиб, осмондан барокот сувларини ёғдириб, шу сув орқали дарахтлар, ўт-ўлан ва барча набототларни ўстириб, инсонлар ва ҳайвонларнинг ризқини бериб қўйди. Қуръони каримнинг кўплаб оятларида Аллоҳ таоло экинлар ва боғларни мисол қилиб келтирилган.

Бу ҳақида Аллоҳ таоло марҳамат қилиб шундай дейди:

هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً لَكُمْ مِنْهُ شَرَابٌ وَمِنْهُ شَجَرٌ فِيهِ تُسِيمُونَ يُنْبِتُ لَكُمْ بِهِ الزَّرْعَ وَالزَّيْتُونَ وَالنَّخِيلَ وَالْأَعْنَابَ وَمِنْ كُلِّ الثَّمَرَاتِ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ

Яъни, “У осмондан сизлар учун ундан ичимлик бўладиган сувни (ёмғирни) ёғдирган зотдир. (Ҳайвонларингизни) боқадиган гиёҳлар ҳам ўша сувдан (суғорилур). У сизлар учун ўша (сув) билан (турли) экинларни, зайтун, хурмо, узум ва барча меваларни ундирур. Албатта, бунда тафаккур қиладиган кишилар учун аломат бордир”. (Наҳл сураси, 10-11 оятлар)

Ризқу-рўзимизнинг аксари Ерда етиштириладиган нарсалардан иборатдир. Шунинг учун Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар:

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: اَلْتَمِسُوا الرِّزْقَ فِي خَبَايَا الْأَرْضِ (رواه البيهقي والطبراني)

Яъни, Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “*Ризқни ер остидан талаб қилинглар*”, дедилар”. (Байхакий ва Табароний ривоят қилган).

Дархақиқат, дастурхонимиздан деҳқонлар, чорвадорлар ва боғбонлар етиштирган нарсалар узулмайди. Биз эса барака сўраб истеъмол қилаверамиз.

Аллоҳ таоло инсонни ердан яратиб, ер юзини ободлиги учун уни ерга қўйгандир:

هُوَ أَنْشَأَكُمْ مِنَ الْأَرْضِ وَاسْتَعْمَرَكُمْ فِيهَا

Яъни, “У сизларни ердан пайдо қилиб, сизларни уни обод этувчи этди”. (Худ сураси, 61-оят)

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло одамзотнинг асли ер жинсидан яратилгани ҳамда улар ер юзига уни обод қилиш учун қўйилгани хабари бериляпти.

**Муҳтарам жамоат !** Аслида, Аллоҳ таоло ерни Ўзи обод қилиб яратиб бериб, обод ҳолатда сақлаш ҳамда янада обод қилишни биздан талаб қилган. Деҳқончилик агар Аллоҳ буюрганидек амалга оширилса, бу – Ер юзини энг обод қилувчи касблардан саналади. Ислом дини деҳқончилик ва боғдорчилик ишларига катта эътибор беради ва тарғиб қилади. Бу ҳақида Пайғамбаримиз Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламдан жуда кўплаб ҳадислар ворид бўлган. Жумладан:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَا مِنْ مُسْلِمٍ يَغْرِسُ غَرْسًا أَوْ يَزْرَعُ زَرْعًا فَيَأْكُلُ مِنْهُ طَيْرٌ أَوْ إِنْسَانٌ أَوْ بَهِيمَةٌ إِلَّا كَانَ لَهُ بِهِ صَدَقَةٌ. (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ)

Яъни, Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: *“Қайси бир мусулмон бирорта дарахт ўтқазса ёки бирор экин экса ва ундан бирорта қуш ёки инсон ёки ҳайвон тановул қилса, у сабабли унга садақа (савоби) бўлади”* – дедилар”. Имом Бухорий ривоят қилган.

Яна бир ҳадисда шундай дейилган:

عَنْ جَابِرٍ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ أَحْيَا أَرْضًا مَيْتَةً، فَلَهُ فِيهَا أَجْرٌ، وَمَا أَكَلَتْ الْعَافِيَةُ مِنْهَا فَلَهُ مِنْهَا صَدَقَةٌ. (رَوَاهُ الدَّارِمِيُّ).

Яъни, Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: *“Ким бирор ўлик ерни тирилтирса, яъни обод этса, унга шунда ажр бордир. Шунингдек, ундан бирор жонзот еган нарсада унга садақа (савоби) бордир”*, дедилар”. Доримий ривоят қилган.

Бошқа бир ҳадисда қуйидагича марҳамат қилинган:

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ: ... وَمَنْ أَحْيَا أَرْضًا مَيْتَةً ثِقَةً بِاللَّهِ وَاحْتِسَابًا كَانَ حَقًّا عَلَى اللَّهِ أَنْ يُعِينَهُ وَأَنْ يُبَارِكَ لَهُ». (رواه البيهقي والطبراني)

Яъни, Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Албатта Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: *“Ким Аллоҳга ишониб, савоб умид қилган ҳолда қаровсиз ерни обод қилса, унга ёрдам ва барака бериш Аллоҳга лозим бўлди”*, деди”. Байҳақий ва Табаронийлар ривоят қилган. (Аллоҳга лозим бўлди дегани – мазкур бандага Аллоҳнинг фазл-карами бўлди деганидир)

Ушбу ҳадисда зикр қилинган Аллоҳ таолонинг ваъдасига етишиш учун деҳқонлар қилаётган ишларни ибодат деб қилишлари лозимдир. Ҳалол покиза бўлса, ҳалол покиза йўллар билан меҳнат қилса, иншоаллоҳ, зироатига барака кириб, албатта мўл-кўл ҳосилга эга бўлади.

Саҳобалардан бир қанчалари деҳқончилик билан машғул бўлганлар. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу саҳобалар ичида зоҳидлардан бири бўлсада, деҳқончилик қилар эди. Саъд ибн Абу ваққос розияллоҳу анҳу деҳқончиликдан мўл ҳосил олиш учун ўз ерига ўғитлар билан ишлов беради эди.

Дарҳақиқат, деҳқончиликнинг шарафли касб эканига далолат қиладиган сабаблардан бири бу касб ҳақиқий таваккал қиладиган касбдир. Экишда таваккал, ҳосилини ўриб олгунча таваккал, ҳатто сотиб бўлгунча таваккал қилади.

Деҳқондан таваккал қилиб меҳнат қилиш талаб қилган бўлса, асл ўстириб берувчи эса Аллоҳ таолодир.

Инсон ғурурга кетиб қолмаслиги учун Аллоҳ таоло бу неъматлар Унинг Ўзидан эканини эслатиб шундай дейди:

فَلْيَنْظُرِ الْإِنْسَانُ إِلَى طَعَامِهِ \* أَنَا صَبَبْنَا الْمَاءَ صَبًّا \* ثُمَّ شَقَقْنَا الْأَرْضَ شَقًّا \* فَأَنْبَتْنَا فِيهَا حَبًّا \*  
وَعِنَبًا وَقَضْبًا \* وَزَيْتُونًا وَنَخْلًا \* وَحَدَائِقَ غُلْبًا \* وَفَاكِهَةً وَأَبًّا \* مَتَاعًا لَكُمْ وَلِأَنْعَامِكُمْ

Яъни, “Энди инсон ўзининг таомига (ибрат кўзи билан қуйидаги неъматларимизга бир) боқсин: Биз (осмондан) сувни мўл ёғдирдик. Сўнгра ерни (гиёҳлар унсин, деб) ёрдик. Сўнгра Биз унда донларни ундирдик, узум ва кўкатларни, зайтун ва хурмоларни, қалин дарахтзор боғларни, меваю гиёҳларни ҳам. (Буларни) сизларнинг ва чорва ҳайвонларингизнинг истеъмоли учун (яратдик)” (Абаса сураси, 24-32 оятлари)

أَفَرَأَيْتُمُ الْمَاءَ الَّذِي تَشْرَبُونَ \* أَأَنْتُمْ أَنْزَلْتُمُوهُ مِنَ الْمُزْنِ أَمْ نَحْنُ الْمُنزِلُونَ \* لَوْ نَشَاءُ جَعَلْنَاهُ  
أُجَاجًا فَلَوْلَا تَشْكُرُونَ

Яъни, “Сизлар ўзларингиз ичаётган сувни (ўйлаб) кўрдингизми?! Уни булутлардан сизлар ёғдирдингизми ёки биз ёғдирувчимизми?! Агар биз хоҳласак, уни шўр ва аччиқ қилиб қўйган бўлур эдик. Бас, (шу оби ҳаёт учун ҳам) шукр қилмайсизми?!” (Воқеа сураси, 68-70 оятлари)

Эътибор берадиган бўлсак, ушбу оятларда Аллоҳ таоло барча ишларни Ўзига нисбат берапти. Чунки аслида бандани ҳам, унинг қиладиган ишини ҳам Аллоҳ таоло яратган. Шунинг учун банда ҳеч қачон кибрга кетмаслиги лозимдир:

Бандаларнинг касби-корига барака ёғилиши, ёмғир-қорнинг мўл-кўл бўлиши учун бандалар гуноҳ қилишдан сақланиши, имкон қадар кўпроқ истиғфор этишлари лозимдир. Чунки Аллоҳ таоло истиғфорга кўп нарсани ваъда қилган. Бу ҳақида Аллоҳ таоло марҳамат қилиб шундай дейди:

اسْتَغْفِرُوا رَبَّكُمْ إِنَّهُ كَانَ غَفَّارًا (10) يُرْسِلِ السَّمَاءَ عَلَيْكُمْ مِدْرَارًا (11) وَيُمْدِدْكُمْ بِأَمْوَالٍ  
وَبَنِينَ وَيَجْعَلْ لَكُمْ جَنَّاتٍ وَيَجْعَلْ لَكُمْ أَنْهَارًا ( سورة نوح- 12 )

Яъни, “Раббингиздан мағфират сўрангиз! Албатта, У (бандаларига нисбатан) ўта кечиримли зотдир. (Шунда, яъни истиғфор айтсангиз) устингизга осмондан (баракали) ёмғир ёғдирур, сизларга мол-дунё, фарзандлар билан мадад берур ҳамда сизларга боғлар (барпо) қилур ва сизларга анҳорларни (ато) қилур”. (Нух сураси, 10-12 оятлари)

**Мухтарам жамоат!** Шу кунларда дала ва боғларда қизгин меҳнат авжида. Юртдошларимиз халқ фаровонлиги, турмуш ободлиги йўлида кечани кеча, кундузни кундуз демай баракали меҳнат қилишяпти, бу йилги ҳосилларининг мўл ва баракали бўлишини тилаб дуои хайрлар қилишяпти. Уларнинг ҳалол меҳнатлари, касб-корлари, иншоаллоҳ, самарасиз қолмайди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мухтарам Президентимиз бошчилигида ҳукуватимиз томонидан қўшни ва хорижий мамлакатлар билан мева-сабзавотларимизни сотиш бўйича катта ҳажмдаги шартномалар тузилиб, халқ бойиши учун залворли ишлар қилинмоқда. Мазкур ишларда ҳукуватимизга камарбаста бўлишимиз даркор.

**Азизлар намозхонлар!** Бу кунлар, яъни, баҳор кунлари ёмғирлар ёғадиган кунлардир. Аллоҳ таоло ёмғирнинг барака олиб келиши ҳақида шундай марҳамат қилган:

وَنَزَّلْنَا مِنَ السَّمَاءِ مَاءً مُّبَارَكًا فَأَنْبَتْنَا بِهِ جَنَّاتٍ وَحَبَّ الْحَصِيدِ

Яъни, “**Биз осмондан баракотли сув (ёмғир) ёғдириб, у билан боғларни ва ўриб олинадиган донларни ундирдик**”. (Қоф сураси, 9-оят)

Ёмғир Аллоҳ таолонинг фазли-рахмати бўлгани учун ёмғир ёғадиган пайтда қилинган дуонинг ижобат бўлиши умид қилинади. Шундай экан, ёмғир томчилаб турган пайтда юртимиз ва ўзимиз учун муҳим бўлган нарсаларни Аллоҳ таолодан сўраб олишимиз мақсадга мувофиқдир: Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

عن سهل بن سعد قال قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "ثنتان ما تُرَدَّانِ الدعاء عند النداءِ وَ تَحْتِ الْمَطَرِ" (رواه البيهقي حديث صحيح)

Яъни, “**Икки нарса рад қилинмайди; Азон пайтида ҳамда ёмғир ёғиб турган пайтда қилинган дуо** (рад қилинмайди), дедилар”. Имом Ҳоким ва Тобаронийлар ривоят қилишган.

Биз намозхонлар ҳам ибодатларимиз ниҳоясида деҳқончилик ва зироатчилик билан шуғулланаётган юртдошларимизга ҳосилларига барака ва ишларига омадлар тилаб, яхши дуолар қиламиз.

Аллоҳ таоло деҳқонларимизга, боғбонларимизга, барча қишлоқ хўжалик ходимларига бу йилги ҳосиллари мўл-кўл бўлишини, юртимизга Ўзининг баракотлари ёғилишини, етиштирилган ҳосилларини нест-нобуд ва увол қилмай йиғиб-териб олишларини насиб этсин. Юртимизни тинч, осмонимизни мусаффо, турмушимизни янада фаровон қилсин!

**Муҳтарам имом домла! Масжидларда намоз вақтига қатъи риоя этиб, хусусан жума намозини белгиланган вақтдан ўтказмаган ҳолда адо этишингизни ва жума иш қуни бўлганлиги учун намозхонларни кўп ушланиб қолишларига йўл қўймаслигингиз тавсия этилади!**